

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва	
моҳияти.....	101
Т.Ахмедов	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни	106
Ғ.Раҳмонов	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган	
ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов	
Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари	
темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли	
манба сифатида.....	115
Р.Расулова	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов, Д.Муратова	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оиласвий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов	
Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138
ТИЛШУНОСЛИК	
Ғ.Хошимов, Н.Комилова	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар	
майдонининг қиёсий тадқиғи	144
Н. Умарова	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм	
структураси.....	149
Г.Розикова	
“Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева	
Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова	
Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг	
шаклланиши	172
Б.Сулаймонов	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Ф.Тошпўлатова	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш	
тамоийллари	180
Г.Сайдова	
Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва	
воситалари	184
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ХУСУСИДА

О СТРУКТУРЕ СОВРЕМЕННЫХ УЧЕБНЫХ СЛОВАРЕЙ

ON THE STRUCTURE OF MODERN EDUCATIONAL DICTIONARIES

Б.Баҳридинова¹¹Б.БаҳридиноваҚарши ДУ, ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди.

Аннотация

Мақолада янги авлод ўқув луғатлари композицияси, уларнинг асосий ва ёрдамчи қисмлари таркиби ва жойлашиши, луғатда тил бирликларининг таърифланиши, луғат мақолалари контенти (мазмуни), дизайнни ва муаллифнинг имкониятлари, шунингдек, замонавий ўқув луғатларининг мега, макро ва микроструктуралари хусусида сўз боради.

Аннотация

В статье речь идет о композиции учебных словарей нового поколения, их структура и расположение основных и вспомогательных частей, характеристика языковых единиц в словаре, контент словарных статей, оформление и возможности автора, а также мега-, макро- и микроструктуры современных учебных словарей.

Annotation

The article deals with the composition of the new generation educational dictionaries, the structure and arrangement of its main and auxiliary parts, the definition of language units in the dictionary, the content of dictionary entries, the design and capabilities of the author, as well as the mega, macro and microstructures of modern educational dictionaries

Таянч сўз ва иборалар: ўқув луғати, ўқув луғатчилари, мактаб луғати, антропоцентрик луғат, луғат композицияси, микроструктура, мегаструктура, макроструктура, ўқув-методик таъминот, луғат корпуси, луғат сўзлиги, бош сўз, алфавит тартибли луғат, мавзуий луғат, луғат мақола, изоҳ, лексикографик помета, луғат иллюстрацияси.

Ключевые слова и выражения: учебный словарь, учебная лексикография, школьный словарь, антропоцентрический словарь, словарная композиция, микроструктура, мегаструктура, макроструктура, учебно-методическое обеспечение, корпус словаря, словник, главное слово, алфавитный словарь, тематический словарь, словарная статья, примечание, лексикографическая помета, словарная иллюстрация.

Keywords and expressions: educational dictionary, educational lexicography, school dictionary, anthropocentric dictionary, dictionary composition, microstructure, megastructure, macrostructure, educational complex, dictionary body, headword, alphabetical dictionary, thematic dictionary, dictionary entry, comments, lexicographic note, dictionary illustration.

Ўқув луғати – тилни методик талаблар асосида ўрганишга қаратилган восита. У нафақат лексикографик, балки педагогик нашр ҳамdir. Унинг тадқиқ соҳаси уч тизим – лингвистик, психологик ва социологик мезонларга асосланади. Бу эса ўқув луғатларига инсонни ҳар томонлама қамраб оловчи восита – антропоцентрик луғат деб қарашга асос бўлади. Лингвоцентрик луғатлар (тил учун ва тил ҳақида бўлган луғатлар) мавжуд тил фактларини ёзиш, тавсифлаш ва баҳолаш вазифасини бажариши билан, антропоцентрик луғатлар (инсон учун яратилган луғатлар) инсонга ёрдам бериш, биринчидан, инсон онгига тилнинг манзарасини шакллантириш, иккинчидан, уни

ушбу тилдан самарали фойдаланишга ўргатиш вазифасини бажариши билан характерланади.

Барча умумий луғатлар каби ўқув луғати ҳам ўз ички қурилиши (композиция, структура)га эга.

Луғат композицияси – луғатнинг асосий ва ёрдамчи қисмларининг таркиби ва жойлашиш тартиби, тил бирликларини таърифлаш, луғат мақолаларининг қайд қилиниши, тўлдирилиши, дизайнни ва муаллифнинг имконияти ҳамда ахборот турларидан келиб чиқиб такомиллаштириб бориладиган қурилмаси.

Аксарият тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, тил тизимини ўзида акс

эттириш хусусияти ўқув луғатининг зарурый белгиси ҳисобланади. П.Н.Денисов луғат тил лексикасининг тартибсиз ва тасодифий жойлаштирилган тўпламини эмас, муайян микросистемаларни ўзида акс эттиришини таъкидласа (1, 208), А.С.Герд “Луғат нафақат тил лексик тизимини қамраб олади, балки луғат структурасини ташкил этувчилар ҳам ўзига хос ички тизимга эга. Улар, ўз навбатида, макросистемага бирлашади, макросистема микросистемаларга бўлинади”, дейди. (2, 191-203) Аникрофи, луғатнинг таркибий қисмлари – сўзлик, луғат мақолалар, лексикографик пометалар (белгилар), иловалар изчил кетма-кетлика яхлит системага бирлашади.

Назарий лексикографияда луғатнинг макротузилиши (сўз танлаш, сўзликнинг ҳажми ва қарори, материални жойлаштириш принциплари) ва микротузилишини (луғат мақоланинг тузилиши, изоҳлаш усуллари, сўз ҳақидаги ахборотларнинг узвийлиги, иллюстрацияларнинг танланиши) ажратиш анъанага айланган. Сўнгги йилларда яратилаётган янги авлод ўқув луғатлари структурасини ўрганишда мега, макро, микроструктуралар фарқланаётганини кузатиш мумкин. (3, 42)

Ўқув луғатининг **мегаструктураси** қуйидаги асосий қисмлардан ташкил топади:

- 1) кириш (предисловие, введение, foreword);
- 2) ўқув-методик таъминот;
- 3) луғат корпуси;
- 4) иловалар (Supplements) – луғатдан фойдаланиш қондапари, қўлланган шартли қисқартмалар рўйхати, асосий ва ёрдамчи кўрсаткичлар ва б.

Масалан, замонавий ўқув луғатчилиги анъаналари асосида яратилган ва инглиз тилини ўрганувчилар учун энг мукаммал ўқув луғати деб тан олинаётган 2003 йилда нашр этилган “Инглиз тилидаги замонавий Оксфорд ўқув луғати” (“Oxford Advanced Learners Dictionary of Current English”) мегаструктураси қуйидаги қисмлардан таркиб топган:

- Кириш (foreword);
- “Луғатдан қандай фойдаланиш мумкин?” (Key to dictionary entries) бўлими;
- Шартли белгилар (symbols) – луғатда фойдаланилган қисқартмалар рўйхати ва уларнинг изохи;
- Луғат корпуси, сўзлик (dictionary);
- Иловалар (supplements). (4)

Ўқув луғатининг мегакурилиши луғатнинг умумий тамойиллари, тил бирликларининг тизимли муносабати, семантик майдонларнинг

ташқи алоқалари, мавзувий ва лексик-семантик гурухлар, луғатда тил бирликларининг жойлашиш принципларидан ташкил топади. В.В.Дубичинский уни “ўзаро ичкиалоқага асосланган ва кўп таркибли тузилмадан ташкил топган мустақил тизим”, деб изоҳлайди. (5, 37)

Ҳар қандай илмий адабиётнинг умумий характеристикиси акс эттириладиган қисмидир. Луғатни очиб берадиган бу қисмда, одатда, луғатдан фойдаланиш ва уни тузишнинг умумий тамойиллари тўғрисида маълумот берилади. Луғатлардан фойдаланишни қулайлаштириш мақсадида турли хил маълумотлар, алфавит кўрсаткичлари, шартли белгилар, қисқартмалар, лексикографик пометаларга изоҳ берилади.

Ўқув-методик таъминот – ўқув луғатининг бу қисми умумий луғатларда ҳар доим ҳам учрамайди. М.А.Скопина луғат корпусидан ундан фойдаланувчиларга методик ёрдам бериш вазифасини бажарадиган ўқув-методик курилманинг жой олишини ўқув луғатларининг мухим характерли белгисига киритади. (6, 60)

Ўқув луғатининг методик қурилмаси деганда нима назарда тутилади? Маълумки, бугунги ўта шиддаткор ва ахборот манбаларининг сон-саноқсиз турлари мисли кўрилмаган даражада тараққий этган бир даврда зарур маълумотларни тез ва қулай излаб топа билиш ҳам замонавий шахснинг мухим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Луғатдан самарали фойдалана билиш учун ўқувчи луғат устида ишлаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Бу соҳада нисбатан кейинги йилларда изланиш олиб борган қатор олимлар, жумладан, Л.А.Балобанова (7,218), Л.К.Муллагалиевалар (8) ўқув луғатларининг бош вазифаси – ўқув вазифасидан келиб чиқиб, унинг таркибига луғатдан фойдаланишга амалий кўмак бериш мақсадида илмий-услубий қурилмани ҳам киритишига диққатларини қаратади.

Хусусан, Л.К.Муллагалиева В.Б.Морковкин ва П.Н.Денисовларнинг луғатнинг ўқув жараёнининг таркибий қисми (улар ўқув луғатини ўқув воситаси ҳисоблашади), деган фикрларини тан олган ҳолда, бу тоифадаги луғатларнинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб фойдаланувчиларда лексикографик компетенцияларни – зарур ва керакли луғатни танлай билиш, луғат матнини идрок қилиш ва ундан ўз мақсадига мос маълумотларни олиш, бошқа турдош луғатлар билан таққослаш,

ТИЛШУНОСЛИК

умуман, луғатдан самарали фойдаланиш кўниқмасини ҳам шакллантириш имкониятига эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди". (8, 146). Аслида ҳам лексикографик компетенциянинг етишмаслиги ўқувчиларнинг луғатдан тўла фойдалана олмаслигига олиб келади. Л.К.Муллагалиева луғатдан интеллектуал қониқиш ҳосил бўлмаслиги луғат ўн марталаб қайта нашр қилинганда ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотмаслиги, диққатини тортмаслигига сабаб бўлишини айтиб ўтади.

Ўқув-методик қурилма ўқув луғатининг илмий-методик асосини ташкил этади, уни ҳар қандай кичик ҳажмли чўнтак луғатлари, турли мақсадларда тузилган справочник-

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек чиқилмаганлиги боис ўзбек тилида яратилган методик аппарат кўп ҳолларда луғатнинг анъанавий "Кириш", "Сўз боши", "Муаллифдан", "Тузувчилардан" каби сарлавҳалар билан номланган қисмларидан жой олади. Масалан, 2008 йилда нашр этилган "Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув луғати" ўзида ўзбек тилида мавжуд сўз ясалиш уяларини имкон қадар акс эттирган. Масалан:

taqlid →

taqlid-an

taqlid-iy

taqlid-chi → taqlidchi-lik

taqdim → taqdim etmoq

tarannum → tarannum etmoq. (9, 124)

Луғат устида самарали ишлиши учун ўқувчи содда ёки қўшма сўз ясалиш жараёнлари, хусусан, қўшма феълларнинг ясалиш қолиплари ҳақида қўшимча маълумотларга эҳтиёж сезади. Бундай ҳолларда ўқув луғатининг методик таъминоти ҳисобланган ўқув-услубий қурилманинг роли муҳим. (10,8-10)

Луғат корпуси – луғатдаги барча материал, луғат мақолалар тўплами. Корпус луғатнинг асосий қисми, одатда, луғат умумий ҳажмининг 90-98 фоизини ташкил қиласди. Корпус луғат характеристидан келиб чиқиб, баъзан луғат мақола, баъзан сўзлар рўйхати (сўзлик)дан ташкил топади.

Луғат сўзлиги (словник) – луғатнинг чап қисмини ташкил қилувчи бош сўз (лемма)лар йиғиндиси. Сўзликни танлаш (қандай сўзларни олиш ёки олмаслик) луғат туридан келиб чиқади. Одатда, ўқув луғатлари сўзлигини танлаш имконияти чегараланган бўлади.

Ўқув луғатлари сўзлиги қўйидаги тил бирликларидан ташкил топиши мумкин:

– фонемалар (нутқни автоматик таниш (аниқлаш) билан боғлиқ луғатлар);

– морфемалар (сўз маъноли қисмлари, грамматик тузилиши, ясалиши билан боғлиқ луғатлар);

– лексемалар (изоҳли, имло, таржима ва бошқа луғатлар);

луғатлардан фарқлайди, луғатни максимал даражада ўкув жараёнига мослаштиради. Унда луғат корпуси, луғат мақоланинг таркибий тузилмаси, лексикографик символика ҳақидаги маълумотлар билан бирга луғат билан ишлашга доир машқ ва топшириқлар ҳам илова қилинади.

Ўқув луғати ўлчовларига тўла риоя этиб яратилган луғатларда ўқув-методик қурилма луғат корпусининг маҳсус таркибий қисми ҳисобланади. У луғатдан фойдаланиш йўриқномасига тенг, "Луғатдан қандай фойдаланиш керак?", "Луғатдан фойдаланиш бўйича кўрсатма" каби сарлавҳалар билан тақдим қилинади.

Ўқув лексикографияси назарияси тўла ишлаб мавжуд ўқув луғатларининг аксариятида ўқув-методик қурилма "Кириш", "Сўз боши", "Муаллифдан", "Тузувчилардан" каби сарлавҳалар билан номланган қисмларидан жой олади. Масалан, 2008 йилда нашр этилган "Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув луғати" ўзида ўзбек тилида мавжуд сўз ясалиш уяларини имкон қадар акс эттирган. Масалан:

– сўз шакллар (грамматик луғатлар);

– бирикмалар (иборалар, идиомалар, турғун бирикмалар луғати);

– лексема ва бирикмалар луғати (энциклопедик луғатлар).

Ўқув луғатининг макроструктураси луғат корпуси ёки сўзликдан ташкил топади, луғат мақолаларнинг жойлашиш тартибини белгилайди. Луғат макроструктурасини ишлаб чиқиши – сўзларни танлаб олиш, сўз ва луғат мақолаларини жойлаштириш тартиби, омонимларни белгилаш, луғат таркибига ҳавола материалларни киритиш ва бошқа жараёнлардан иборат (11). Унинг қуйидаги кўринишлари фарқланади:

Алфавит тартибли луғатларда сўзлик муайян тилнинг жорий алифбо тартибида жойлаштирилади. Бу тоифадаги луғатларни ўзида икки гурухга ажратиш мумкин: а) тўлиқ – сўзлар қатъий алифбо тартибида жойлашган; б) уяли (уяли-алфавитли) – сўзлар маъно умумийлигига кўра уяларга ажратилиб берилади ва ички алифбо тартибида жойлаштирилган;

Мавзуйи луғатларда луғат мақолалар мазмуний-семантик хусусиятларига асосан жойлаштирилади. Идеографик луғатлар, тезауруслар, ассоциатив луғатларда сўзлик мавзуу яхлитлиги нуқтаи назаридан тартибланади.

Мавзуйи-алфавит тартибли луғатлар – луғат мақолалар алфавит ва мавзуйи асосда тартибланадиган луғатлар. Бундай луғатлар аналогик (ўхшаш) луғатлар ҳам дейилиб, луғат мақолалар турли мавзуйи қуршовларда алфавит тартибиага амал қилган ҳолда жойлаштирилиши билан характерланади.

Ўқув луғатининг **микроструктураси** луғат мақоланинг ички тузилиши (сўзга грамматик ва фонетик изоҳ бериш, сўз маъноларини ажратиш ва таснифлаш, далил сифатидаги иллюстрациялар турлари, таърифлаш турлари, белгилар тизими, сўз этиологияси ҳақидаги маълумотлар) билан боғлиқ. (11) Луғатни характерлаш, турини ажратишида унинг микротузилиши муҳим рол ўйнайди. Луғатнинг макротузилмасини ташкил этувчи ҳар бир қисм – ўқув услубий қурилма ҳам, сўзлик ҳам, луғат мақола ҳам анъанага кўра кичик системалар ҳисобланади. Улар ҳам ўз навбатида муайян таркибий қисмлар, уларнинг тизим ичидаги тутган ўрни, мавқеи, қисмлар орасидаги муносабатлар ва бошқа тизимиий белгиларга эга бўлади. Микротузилма асосида луғатнинг асосий бирлиги – луғат мақолани шакллантириш масаласи ётади.

Луғат мақола (словарная статья, entry structure) – ҳар қандай луғатнинг, асосан, бош сўз ва унинг изоҳидан ташкил топадиган асосий қурилиш бирлиги. Умумий луғатларда бўлгани каби ўқув луғатларининг ҳам луғат мақоласи бош сўз (чап қисм) ва изоҳдан (ўнг қисм) ташкил топади. Луғат мақоланинг умумий тузилиши луғат турига кўра фарқланиши мумкин. Луғат мақола, асосан, изоҳли луғатлар учун хосдир.

В.Б.Дубчинский бош сўз ва унинг изоҳидан иборат луғат мақоланинг қўйидаги асосий структурасини ажратади: 1) бош сўз; 2) унинг фонетик характеристики; 3) унинг грамматик характеристики; 4) бош сўзниң семантизацияси (изоҳи, таърифи, муқобили ва б.); 5) бош сўзниң бириквчилари (валентлиги – Б.Б.); 6) бош сўзниң сўз ясалиш имкониятлари; 7) этиологик маълумотлар; 8) иллюстратив безаклар; 9) лексикографик пометалар; 10) ҳаволалар, эслатмалар. (12,23-64)

Замонавий ўқув луғатларида луғат мақоланинг структурал қурилмаси қўйидаги компонентлардан ташкил топади:

Бош сўз (вокабула, лемма, headword, entryword) – луғатга танланган принципга кўра киритилган тилнинг турли сатҳ бирликлари (лексема, турғун бирикмалар, морфема ва б.)

рўйхати. Бош сўз ўзида имлоси, талаффузи, ургу билан боғлиқ маълумотларни акс эттиради.

Бош сўз луғат туридан келиб чиқиб сўзликка ҳам, луғат мақола сарлавҳасига ҳам тўғри келиши мумкин. Бош сўз сўзлик сифатида кўлланганда, луғатнинг чап қисмини ташкил қиласди. Аксарият луғатлар фақат чап қисм (сўзлик)дан иборат. Масалан, имло, орфоэпик, морфем луғатлар. Изоҳ типидаги луғатлар икки қисм – чап (бош сўз) ва ўнг (изоҳ) қисмлардан ташкил топади. Луғат мақолага тегишли барча маълумотлар – бош сўз семантизацияси, яъни изоҳли матн луғатнинг ўнг қисмини ташкил этади.

Изоҳ (семантизация) – лексеманинг луғавий маъноси, турли нутқий қуршовларда воқеланганда матн билан боғлиқ юзага чиқадиган ҳар бир маъносининг шарҳи. Изоҳли луғатларда сўз маъносининг бир неча турлари – кўчма, терминологик, фразеологик маънолари берилади.

Ўқув луғатида изоҳ (таъриф, талқин)га катта эътибор қаратилади. Хусусан, изоҳли, энциклопедик, терминологик ўқув луғатларида луғат мақолага муайян лингвистик бирликнинг турли қирраларини очиб бериш билан бирга оламнинг миллий лисоний манзарасини ҳам акс эттириш талаби қўйилади. Берилган таъриф нафақат лексик бирлик англатган тушунча моҳиятига мантиқан мос бўлиши, балки унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини қамраб олган бўлиши ҳам лозим.

Ўқув луғатлари, олдинги бандларда айтилганидек, баъзан бир-бири билан туташиб кетади. Бу эса муайян лексик бирлик изоҳини турли мақсаддада яратилган бир неча луғатларда берилишини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Замонавий ўқув луғатларида сўз маъносини изоҳлашнинг бир неча кўринишлари учрайди: а) семантик – аташ, вазифа, ифода семаларини аниқлаштириш; б) синонимларини изоҳлаш; в) сўз шаклига доир маълумотларни аниқлаштириш ва б.

В.Б.Морковкин бош сўзни изоҳлашда лексикографик пометалар (белги, ишора)нинг роли муҳимлигига эътиборни қаратади. У луғат таркибида қўлланадиган лексикографик белгилар (муайян сўз ёки ибораларнинг шартли қисқартмаси), фойдаланувчига кўшимча маълумот берувчи ишоралар (тегишли тил бирликлари ёки лингвистик ҳодисалар, туркуми, грамматик шакли),

ТИЛШУНОСЛИК

этимологиясига доир маълумотларга пометалар деб қарайди. (13,102-117)

В.Дубичинский пометалар грамматик, лексик, семантик, функционал-услубий, терминологик, стилистик, хиссий-экспрессив, хронологик, статистик, тақиқловчи, чекловчи ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. (14, 37)

Лексикографик помета – муайян сўз ёки атаманинг лексик, грамматик, стилистик ёки бошқа тавсифи учун лексикографияда қабул қилинган шартли қисқартмаси билан боғлиқ белгилар тизими. Пометалар луғат тури, тили ва мақсадидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин. Ўзбек лексикографиясида лексикографик пометаларнинг грамматик, семантик, функционал-стилистик, терминологик, стилистик, эмоционал-экспрессив, хронологик, статистик, тақиқловчи, чегараланган пометалар каби кўринишларини учратиш мумкин.

Ўқув луғатларида лексикографик расмлар – иллюстрацияларнинг ҳам роли ниҳоятда мухим. Хусусан, ўқув энциклопедик луғатларда расмлар, ранглар, визуализацияга катта эътибор қаратилади.

В.Дубичинскийнинг таъкидлашича, иллюстратив материаллар луғат ўнг қисмидаги иккита асосий функцияни – бош сўз маъносини аниқлаштириш ва изоҳлананаётган лексик бирликнинг изоҳига қўшимча кўргазмали далилларни тақдим этиш вазифасини

бажарадиган зарурӣ элементлардан ҳисобланади. Ихчамлик ва аниқлик лексикографик расмларга қўйиладиган асосий талаб ҳисобланади. (14, 36)

Луғат иллюстрацияси – сўзларнинг семантик ва грамматик хусусиятларига қўшимча тавсиф берадиган, уларнинг кўлланилиш доирасини аниқлаштирадиган визуал восита.

Таркибий қурилмасининг қатъийлигига қарамай, нафақат ўқув луғатлари, балки умумий луғатларда ҳам луғатнинг ички микротузилиши ўзгарувчан бўлиши мумкин. Хусусан, ўқув луғатида изоҳ қисмга грамматик топшириқлар, машқлар, ўрни билан тестлар, электрон луғатларда овозли хабарлар илова қилиниши ҳам мумкин. Замонавий ўқув луғатларида қўшимча маълумотлар жадвал шаклида илова қилиниши ҳам кузатилмоқда. (2)

Демак, янги авлод ўқув луғатлари структураси уч қисм – мега, макро ва микроструктурага ажралади. Замонавий ўқув луғатининг мегаструктураси: 1) кириш; 2) ўқув-методик таъминот; 3) луғат корпуси; 4) иловалардан; макроструктураси: 1) алфавит тартибли; 2) мавзуйий; 3) мавзуйий-алфавит тартибли луғат мақола ёки сўзликдан; микроструктураси: бош сўз; изоҳ; лексикографик пометалар; иллюстрациялардан ташкил топади.

Адабиётлар:

1. Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания. – М.: Русский язык, 1980.
2. Герд А.С. К определению понятия словарь // Проблемы лексикографии: Сборник ст. / Под ред. А.С. Герда и В.Н. Сергеева. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 1997.
3. Денисов П.Н. Типология учебных словарей. //Проблемы учебной лексикографии. Денисова П.Н., Новикова Л.А. – М.: Изд-во МГУ, 1977.
4. Қаранг: [Электрон ресурс]. URL:<http://lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp>; <https://oxford-advanced-learner-s-dictionary>
5. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие – М.: Наука: Флинта, 2008.
6. Скопина М.А. Об одном существенном типологическом признаке учебного словаря //Теоретические основы разработки словарей учебного типа: Сб. научных трудов. / Под ред. Н.М. Шансского, Е.А. Быстровой. — М.: НИИОП АПН, 1981.
7. Балобанова Л.А. Семантико-прагматический потенциал синтаксических фразеологизмов и их лексикографическое представление в словаре учебного типа. Дисс. ...канд. пед. Наук. – М., 2004.
8. Муллагалиева Л.К. Учебный словарь “Реалии русской культуры” как основа формирования этнолингвокультурологической компетенции учащихся. Дис. ... канд.филол.наук. Уфа, 2002.
9. Mengliyev B., Bahridinova B., Xoliyov O'. O'zbek tilining so'z yasalishi o'quv lug'ati. –T.: Yangi asr avlod, 2008.
10. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Баҳридинова Б. Қўшма феълларни ўқитиш муаммолари. // Тил ва адабиёт таълими. –Т., 2016 йил, 10-сон.
11. Онлайн энциклопедия. Лексикография. А.Мадвалиев. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-l/leksikografiya-uz/>
12. Дубичинский В.В. Основные постулаты и тенденции учебной лексикографии русского языка // Метаязык науки: материалы Международной научной конференции / Гл. ред. С.В. Лесников. Сыктывкар: СыктГУ, 2012.
13. Морковкин В.В. О базовом лексикографическом знании // Учебники и словари в системе средств обучения русскому языку как иностранному. – М., 1986.
14. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие – М.: Наука: Флинта, 2008.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).